

ISSN 2091-5594

# UZLUKSIZ TA'LIM



ILMIY-USLUBIY JURNAL

№6



Тошкент — 2012

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,  
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика  
фанлари илмий тадқиқот институти

# UZLUKSIZ TALIM

ILMIY-USLUBIY JURNAL

2012, № 6

*Рисбой  
ДЖУРАЕВ —*  
бош муҳаррир

Журнал Ўз МААдан 3 январь  
2007 йилда № 0101-тартиб рақами  
билан қайта рўйхатдан ўтган

Журналга келган мақолалар-  
га жавоб қайтарилмайди, журнал-  
да эълон қилинган мақолалардан  
олинган парчалар «Узлуксиз таъ-  
лим» журналидан олинди, деб кўр-  
сатилиши лозим. Журналга икки  
оралиқдаги 5-6 бет ҳажмдаги ма-  
териал TQRT шрифтида электрон  
версияси билан бирга қабул қили-  
нади.

## Таҳрир хайъати:

Бахтиёр ДОНИЁРОВ  
Собитхон ТУРҒУНОВ  
Ислом ЗОКИРОВ  
Улуғбек ИНОЯТОВ  
Рустам НЕЪМАТОВ  
Роҳатой САФАРОВА  
Ҳикматилла РАШИДОВ  
Агрелина ШИН  
Шавкат ҚУРБОНОВ

## Таҳририят МАНЪУЛИ:

100027, Тошкент ш.,  
Ўзбекистон шоҳ  
кўчаси, 98-уй.  
ЎзПФИТИ  
Тел.: 227-46-61  
Факс: 140-02-26

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

- 3 А.П.Султаймонов, Б.Р.Джурасва  
Тасвирий фаолият машғулотларини педагогик лойиҳалаш бадний таълим мазмуни узвийлигини таъминлаш воситаси сифатида
- 8 Х.Т.Омиров, Г.С.Мелибоева  
Узлуksиз кимё таълимининг касбий тамойиллари
- 14 Х.Умарова  
Узлуksиз таълим тизимида иқтисодий билимлар узвийлигини таъминлаш
- 21 Ф.У.Ғринова, А.Ғаниев  
Уқитишда инновацион фаолиятни узлуksиз ташкил қилишнинг заруряти ва омилли
- 25 Н.Р.Муслиманова  
Узлуksиз таълим жараёнида иовербал коммуникация (мулоқот жараёни)
- 30 Ш.Неъматов  
Узлуksиз таълим жараёнида Туркистон мактабчилигини ўрганишнинг аҳамияти
- 35 А.А.Жўраев  
Шахса жисмоний маданиятни таркиб топтиришда узвийлик ва узлуksизлик масалалари
- 38 Д.М.Қорахонова  
Таълим жараёнида компьютерли таълимнинг узлуksизлиги (биология фанлари мисолида)
- 43 М.Акрамова  
Талабалар ва коллеж ўқувчиларида педагогик артистизмни узлуksиз шакллантириш
- 48 И.Туйчиева  
Узлуksиз таълим тизимида ўқув нутқ фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унда машқларнинг ўрни
- 52 Б.Савдудлаев  
Узлуksиз таълим жараёнида ишчан ўйинларнинг ёш авлод ривожланишидаги аҳамияти
- 57 Д.Рустамов, А.Каримов  
Узлуksиз педагогик амалиётни тизимлаштиришда дастурий-методик воситалардан фойдаланиш
- 60 Э.Т.Салиева  
Узлуksиз таълим тизимида маънавий маданиятни шакллантиришнинг айрим долзарб масалалари
- 63 Д.Элибоева  
Бошланғич синфларда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар фаоллигини узлуksиз ошириш омиллари
- 68 Р.Х.Джурасва  
Использование исследовательского метода при обучении физике в школе, лицее и колледже

### МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

- 75 Н.Х.Воҳидова  
Бошланғич синф ўқувчиларида миллий гурури тарбиялаш модели
- 80 О.Мусеев  
Педагогика ва психологияда қобилиятларни тушунишга фаолиятни ёндашув

### ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

- 85 Э.О.Турдиқулов, К.Б.Мухаммадиев  
Узлуksиз таълим жараёнида экологик мазмундаги тарихий материаллардан фойдаланиш

### КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

- 89 А.Сатторов  
Бўлажак мутахассислар педагогик маданиятини узлуksиз шакллантириш технологиялари
- 94 Н.Х.Хайфизова  
Узлуksиз таълим жараёнида касб-хунарга онд тушунчаларни шакллантиришда ахборот технологияларини қўллаш
- 97 Х.М.Тоғжонбаева  
Узлуksиз таълим тизимида шахс ижтимоий фаоллигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари
- 103 А.Солиқов  
Касб-хунар коллежи ўқувчиларига бериладиган жисмоний машқларни мезёрлашнинг биологик соҳасини назарий таҳлили

### МУСТАҲКАМ ОИЛА — ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

- 108 Д.Ходиева  
Онлада тадбиркорлик фазилатларининг ривожланишида тарихий ва ижтимоий илдиизларнинг узвийлиги



– педагогик тажриба-синов ишлари ва тадқиқотларни амалга ошириш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларга эгаллиги;

– инновацияга қарши бўлган тўсиқларни бартараф эта олиши.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти ҳақида гапирганда бу фаолиятнинг илмий-методик ўзига хослиги ҳақидаги савол пайдо бўлади. Бу фаолиятнинг имкониятлари таълим тизими кўламида инновацион ғоялар, лойиҳалар, технологияларни жорий қилишда ва шахсни ривожлантиришда намоён бўлади. Бу фаолият имкониятлари ўзида қуйидагиларни жамлайди:

- ўқитувчининг янгиликни қўллашга тайёргарлиги;
- ўқитувчининг педагогик янгиликни қабул қилиши;
- жамоада ўқитувчининг новаторлик даражаси;
- ўқитувчи коммуникатив қобилиятининг ривожланганлиги;
- ўқитувчининг ижодкорлик даражаси.

Юқорида баён этилган мулоҳазаларга асосланиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин: инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш, яъни инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган хизматларни таклиф этувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш тақозо этилади. Бунда инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш ва унинг умумий моделини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 62 б.

2. Сластенин В.А. Подымова Л.С. Педагогика – инновационная деятельность. – Москва: Магистр, 1997. – 221 с.



## ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА НОВЕРБАЛ КОММУНИКАЦИЯ (мулоқот жараёни)

**Н.Р.МУСУЛМАНОВА,**  
ф.ф.н., Қарши ДУ “Ўзбек тилшунослиги”  
кафедраси катта ўқитувчиси

*В статье идёт речь о вербальных и невербальных коммуникациях в непрерывном образовании, то есть о выражении лица, о визуальном контакте и о психологическом состоянии собеседников.*

*Ключевые слова: вербальная коммуникация, невербальная коммуникация, невербальный сигнал, интонация, звук, дистанция, коммуникация, эмоция, мимика лица, регуляция, визуальный контакт, тон, такт.*

*The article is about verbal and un verbal communications in a permanent education, hereby about a face expression, about visual contact and psychology condition of communicating people.*

*Key words: verbal communication, un verbal communication, verbal signal, intonation, sound, distance, communication, emotion, regulate, visual contact, tone, takt.*

Новербал мулоқот сўзларга таянмайдиган ҳаракат ва жестлардан иборат бўлган барча шаклларни ўзида мужассам этган тил сифатида машҳур. Психологларнинг эътирофи этишчи, новербал сигналларни ўқиш самарали мулоқотнинг муҳим шартидир. Айниқса, новербал сигналларнинг қиймати шундаки, улар сўзлардан фарқли ўлароқ ўз-ўзидан, самимий тарзда нутққа чиқади. Иш юзасидаги музокараларда новербал сигналлар катта аҳамиятга эгаллиги экспериментал тадқиқотларда тасдиқланади, яъни сўзлар (биз шунчалик катта аҳамият берадиган) фақат 7% маънони, 38% товуш ва интонация маъносини ва 55% имо-ишоралар суҳбат мазмунини очиб бера олади.

Ўқувчилар билан юзма-юз ҳолатда мулоқотга киришиш – бу одатда амалда қўлланиладиган, гарчи ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бирига нисбатан жойлашишининг ягона усули бўлмаса-да, бевосита мулоқотга киришишининг яхши ҳолатидир. Ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бирига юзма-юз ўтириши: “Мен сизнинг олдингиздаман; сиз билан биргаман; мулоқотга кириша оламан” мазмунидаги хабар ёки маълум



мотни беради. Бундай вазият ўқитувчининг мулоқотга киришишга тайёрлигидан хабар беради. Баъзида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг юзмаюз ўтириши ноқулайлик туғдириши мумкин. Бундай вазиятларда синф (аудитория)даги стол ва стулларни бошқача шаклда тартиб билан қўйиш мумкин. Лекин мулоқотга кириш учун барча кўриниб туриши ва ўқитувчини ҳам ўтирганлар яхши кўриб туришлари лозим. Ўқитувчи дарс ўтиш учун ўзига мос вазият яратиши баъзи ҳолларда ўтиладиган мавзунинг моҳиятига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Нима бўлган ҳолда ҳам, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги дистанция узоқлашиб кетмаслиги ва керакли масофани сақлаб қолиши зарур.

Ўқувчиларнинг новербал белги ва ҳаракатлари унинг кайфиятини, дарсни тинглаётгани ёки аксини, мавзунини ўзлаштираётгани, бутун фикри дарсда ёки бошқа жойда эканлигини ва ҳ.к.ларни ифодалаш мумкин. Масалан, ўқувчи ўзини орқага ташлаб, стулга бор гавдаси билан суяниб ўтирса, бу: “Мен ҳеч нарсани тушунмаяпман; мен умуман бошқа нарсалар ҳақида ўйлаяпман; менга бу мутлақо қизиқарли эмас; мавзунини ўзим қайтадан ўқиб тушуниб оламан” каби маъноларни англатиши мумкин. Ўқувчини дарсга жалб қилиш учун эса ўқитувчи вербал ва новербал мулоқотни усталик билан баробар олиб бориши керак. Масалан, бадиий асарни тушунтираётганда маълум бир гавда ҳаракатлари сўзлаётган нутқи билан мос туриши керак. Айниқса, ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчиларини дарсга жалб қилиш учун новербал ҳаракатлардан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Ўқувчининг кўзига қараб гапираётганда унинг мавзунини ўзлаштираётганлиги ёки ўзлаштиролмаётганлигини ўқитувчи англай олиши керак.

Мавзунини ўриндан қимирламасдан, ўтириб тушунтиришда аудиториядагиларнинг диққатини ўзига жалб қила олмаслик, бунинг натижасида бошқаларга ҳам салбий таъсир кўрсатиш ҳолатлари кўп кузатилади. Ўқитувчи керакли жойда овозни кўтариши, пасайтириши, қўлларни ҳаракатга келтириши, бошни қимирлатиши, нутқ орасида логик урғу, пауза, интонациялардан унумли фойдаланиши, синфда у ёқдан бу ёққа юриб ҳар бир ўқувчини назорати остида мавзунини тушунтириши – новербал мулоқотнинг асосий шакллари билан ҳисобланади. Дарс ўтиш жараёнида ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қиладиган ҳар қандай педагог: “Мен ўзимни тўғри тутаяпманми? Ортиқча ҳаракатлар қилмаяпманми? Қайси ҳолатим ёки одатим тингловчиларга хуш келмаяпти?” – деб ўзига савол бериб туриши керак.



Узлуксиз таълимда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги дистанцияда психологик яқинлик талаб қилинади. Ўқитувчи орадаги масофага эътиборли бўлиши, ўқувчидан қайтаётган реакцияга ўзаро алоқа сифатида қараш керак. Ўртадаги яқинлик суҳбатнинг оптималлаштиришига, таъсирли бўлишига ва вазиятга таъсир қилиш даражаларига кўра ўрганилиши лозим.

Ўқувчиларнинг новербал ҳаракатлари уларнинг ёши, руҳий, жисмоний ҳолати, дарсга тайёрлиги, одатларига боғлиқ бўлади. Бола дарсга тайёр бўлса, ўз фикрини бемалол айтиб бера олишига ишонса, ўзини эркин тутати. Агар акси бўлса, бола иложи борича кўзга кўринмайроқ туришга ҳаракат қилади. Шунинг учун баъзи дарсни яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчилар иложи борича орқа парталарда, панароқ жойларда ўтиришга ҳаракат қиладилар. Дарс тайёрламаган ўқувчини унинг новербал ҳолатидан пайқаш жуда осон. У ўзини панага олади, яъни бошини эгиб, кўзини олиб қочади; олдида турган китоб ва дафтарларни тартибсиз варақлай бошлайди ёки улардан бирини очиб лабларини қимирлатиб, ўзини берилиб ўқиётган қилиб кўрсатади; баъзи ҳолларда ўзини касалга солади. Дарсга тайёр болалар эса, аксинча, ўзларини эркин тутиб, қўлларини баланд кўтариб жавоб беришга ҳаракат қиладилар.

Ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, олий ўқув юрти талабаларига дарс ўтиш вақтида новербал коммуникациянинг ўзига хос усуллари мавжуд. Тингловчиларнинг ёш хусусиятлари ва руҳий ҳолатлари новербал ҳаракатларнинг қўлланиш усуллари ўз-ўзидан тақозо этади. Бошланғич синф ўқувчисига нисбатан битирувчи синф ўқувчиси кўп жиҳатдан фарқ қилганлиги сабабли вербал ва новербал мулоқот жараёни ҳам кескин фарқ қилиши лозим. Акс ҳолда бачканалик, зерикаш, тушунмовчилик дарс самарасига салбий таъсир кўрсатади.

Юз ифодаси инсон ва, айниқса, унинг хиссиётлари ҳақида маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Айнан суҳбатдошнинг юз мимикалари унинг эмоционал фикрини ифодалаш учун хизмат қилади ва коммуникация жараёнини регуляция қилиш воситаси вазифасини бажаради. Бундан ташқари, юздаги таъсирчанлик ўқувчи учун нафақат ўқитувчи хиссиётлари ҳақида бевосита маълумот беради, балки уларни назорат қилиш қобилиятини ҳам намоён қилади.

Кўзлар – бу, маълумки, қалб ойнаси, шунинг учун визуал алоқани алоҳида специфик маҳорат сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин.



Тўғридан-тўғри визуал алоқа, К.С.Станиславский ёзганидек: “Мен сен биланман, сен нима демоқчи бўлсанг, мен шуни тингламоқчиман”. “Нигоҳ – қалбдан-қалбга, тўғридан-тўғри, бевосита соф ҳолдаги алоқа” [2]. Лекин, бизнинг фикримизча, таълим жараёнида визуал контактни сақлаб туриш ва шу билан бирга чалғиб бошқа объектларга ҳам нигоҳни қаратмоқ оптимал вариантлардан ҳисобланади. Яъни, визуал алоқа сиз вақти-вақти билан нигоҳингизни бошқа нарсаларга ҳам қаратишингиз билан бузилмайди. Аммо нигоҳни тез-тез бошқа жойларга қаратилса, назорат йўқотилса, ўқувчилар (ёки тингловчилар) буни ўзига нисбатан майлсизлик деб тушуниши мумкин.

Кундалик мулоқот тажрибасидан маълумки, визуал алоқа ёқимли мавзулар жараёнида анча осон қўлланади, аммо одатда суҳбатдош кўнгилга ёқмайди ёки чалкаш мавзуларда ундан қочади. Агар сўзловчи бир тингловчининг кўзига қараса, бир бошқа томонларга қараса, демак у ҳали ўз фикрини айтиб тугатмаган. Одатда, сўзловчи ўз фикрини айтиб ниҳоясига етказётганида суҳбатдошининг кўзига тик қарайди ва бу билан уни суҳбатни давом эттиришга даъват этади.

Овоз – субъектив ҳиссиёт ва маънолар тўлиқ диапазонини ифодаловчи муҳим восита ҳисобланади. Оҳанг ва темп инсоннинг эмоционал ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот бериши мумкин. Одатда нутқнинг тезлиги сўзловчи ҳаяжонланганда ёки хавотирланганда ошади. Суҳбатдошини ўзининг фикрига ишонтирмоқчи бўлганлар ҳам жуда тез гапиради. Секин оҳанг эса жабрланган ёки ҳориганлик ҳақида гувоҳлик беради.

Алоҳида сўзларни баланд оҳангда талаффуз қилиш туйғулар кучининг индикаторини ифодалайди. У ёки бу ибора интонация (оҳанг)га қараб турли маъноларни ифодалаш мумкин. Кўп ҳолларда инсонлар сўзга эмас, айнан интонацияга қараб таъсирланадилар. Ўқитувчининг қандай оҳангда гапириши ўқувчининг уни қабул қилишида жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ўқитувчи ўз нутқи диапазонини кенгайтириб бориши зарур. Ўқувчиларга жуда баланд овозда гапириш керак эмас.

Паузага риоя қилиб ўқитувчи ўқувчига ҳам гапириш имконини беради. Паузанинг миқдори суҳбат жараёнида шонилмаслик, фикрни мулоҳаза қилиб нутққа чиқариш имконини беради. Шунинг учун саволлар бериш ёки ўқувчи билдираётган фикрларни изоҳлашга шонилмаслик лозим. Пауза олдинроқ айтилган фикрларга нимадир қўшиш, тўғирлаш, маълумотни ойдинлаштириш имкониятини беради ва фикрни мулоҳаза қилиб олиш, тушуниш имкониятининг аҳами-



ятини таъкидлайди.

Паузанинг давом этиш вақти суҳбат жараёнида ўзгача қабул қилинади. Шуни унутмаслик керакки, узоқ пауза хавотир уйғотади ва агрессияни чақиради. Баъзан бир дақиқалик пауза ҳам узоқ вақт давом этгандек туюлади. Суҳбат жараёнида паузанинг кўп ёки камлиги дарс вақтида ўтилаётган мавзу, аудиториянинг қабул қилиш савиясига, ўқувчи ёки талабаларнинг руҳий ҳолатига ҳам боғлиқ. Умуман, ўқитувчи ўқувчининг жавоб бериш жараёнидаги паузасига сабр билан қарамоғи керак. Чунки ўқувчи (руҳий ҳолатига боғлиқ равишда) кучли ҳаяжон, қўрқув, уялиш, торғиниш, иккиланиш ҳолатини кечириши натижасида фикрларини тез-тез, равон гапириб бера олмаслиги мумкин.

Юқорида санаб ўтилган новербал мулоқотнинг барча элементлари суҳбатдош ёки ўқувчи қалбига, шунингдек, ўз ички оламига кириб борадиган “шоҳона йўл” бўлиб қолиши мумкин. Новербал мулоқот вербал мулоқотга нисбатан ўз-ўзидан пайдо бўладиган ҳаракатлар бўлиб, уларни назорат қилиш қийинроқ. Ўқитувчи учун ўқувчининг новербал хатти-ҳаракатларини “ўқиб” олиш билан бирга ўзининг новербал ҳаракатларини ҳам назорат қилиши ва бошқара олиши муҳимдир. Суҳбат жараёнида новербал ҳаракатларни кузатиш айтилмоқчи бўлган фикрни тадқиқ қилиш ва яширинган маъноларни билиб олиш имконини беради. Ўқитувчи (суҳбатдош) ўзининг новербал ҳаракатлари орқали ўқувчи (тингловчи)ни мулоқотга жалб қилиши ёки суҳбатдан четлатиши мумкин. Суҳбат қанчалик қизиқ бўлмасин, кайфият, юз ифодаси, руҳий ҳолат, қўл, бошларнинг хатти-ҳаракатлари, кўзларнинг боқиши, эмоциялар унинг шунчалик зерикарли бўлишига хизмат қилиши ҳам мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ключев Е.В. Речевая коммуникация. – Москва: ПРИОР, 1998.
2. Лабунская В.А. Экспрессия человека: общение и межличностное познание. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1999.
3. Лобанов А.А. Основы профессионально-педагогического общения. – Санкт-Петербург, 2000.



Журналнинг ушбу сонини  
тайёрлашда қатнашганлар:  
И.Н.Стыркас, М.Э.Иноятова, Л.М.Қорахонова

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан  
03.01.2007 йилда № 0101 тартиб рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

«Ўзлуксиз таълим» журнали Ўзбекистон Республикаси ОАК  
раёсатининг 2004 йил 29 январдаги 101/4-сонли қарори билан  
педагогика ва психология фанлари бўйича илмий журналлар  
рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 19.12.2012 й. Қоғоз бичими 60x84<sup>1/16</sup>,  
Офсет босма усулида босилди. 7 босма табоқ.  
Адади 2090 нусха. Буюртма 2704

“Sharq” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

# ЎЗЛУКСИЗ ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ

**илмий-услубий  
журналига  
2013 йил учун  
обуна бўлинг!**

**Обуна индекслари:**

**Якка обуначилар  
учун — 993**  
**Ташкилот  
ва корхоналар учун — 994**